

---

## **АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.08.2020 йилдаги “Аҳолига давлат ижтиомий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 4797-сонли қарорига асосан 01.09.2020 йилдан бошлаб кам таъминланган оиласарга ижтиомий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари «Ижтиомий ҳимоя Ягона реестри» ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.10.2021 йилдаги 654-сонли қарорининг талаблари бўйича фуқароларнинг аризалари “Ижтиомий ҳимоя Ягона реестри” АТ томонидан автоматлашган тарзда кўриб чиқилмоқда.

Бугунги кунда Бешариқ тумани бўйича жами 15 608 нафар оиласарга болалар нафақаси ва моддий ёрдам нафақалари “Ижтиомий ҳимоя Ягона реестри” АТ томонидан автоматик тарзда тайинланиб тўланиб келинмоқда. Шундан 15157 нафар оиласарга 7 179 352 091 сўм миқдорида болалар нафақаси ва 451 нафар оиласарга 173 143 200 сўм миқдорида моддий ёрдам нафақалари хар ойнинг 12 санасига қадар молиялаштириб келинмоқда.

2022-08-22 15:55:03